



ЃЎЗА НАВЛАРИНИ СУЃОРИШ ТАРТИБИНИНГ АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАРГА ТАЪСИРИ

Джуманазарова Алтынгул Тенгеловна¹,
Генжемуратов Абдикадир Сайлаубаевич²-

¹Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти “Сув хўжалиги ва ердан фойдаланиш” кафедраси муdiri, т.ф.н. доцент.

²“Сув хўжалиги ва ердан фойдаланиш” кафедраси ассистенти

Аннотация:

Ушбу мақолада шўрланишга мойил, ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида ғўзанинг С-4727 ва Султон навларини етиштиришда агротехник тадбирларнинг аҳамияти ва тажрибада амалга оширилган агротехник тадбирлари амалга оширилиши ҳамда ғўза навларидан олинган ҳосил бўйича маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: агротехник тадбирлар, суғориш тартиби, ғўза навлари, тупроқ намлиги, дала нам сиғими, суғориш меъёри, пахта ҳосили.

Аннотация:

В статье рассмотрены значение агротехнических мероприятий при возделывании сортов хлопчатника С-4727 и Султан в условиях склонных к засолению луговых аллювиальных почв, ход выполнения агротехнических мероприятий, реализованных в опыте, а также приведены данные по урожайности сортов хлопчатника.

Ключевые слова: агротехнические мероприятия, способ полива, сорта хлопчатника, влажность почвы, влагоемкость поля, норма полива, урожайность хлопчатника.

Abstract:

The article discusses the importance of agrotechnical measures in the cultivation of cotton varieties S-4727 and Sultan in conditions of saline meadow alluvial soils, the



progress of agrotechnical measures implemented in the experiment, and also provides data on the yield of cotton varieties.

Keywords: agrotechnical measures, irrigation method, cotton varieties, soil moisture, field moisture capacity, irrigation rate, cotton yield.

Кириш: Бугунги кунда юртимизнинг асосий экинларидан бири ҳисобланган пахтачиликда ресурс ва энергиялардан самарали фойдаланиш, уларни тежайдиган технология ва техника воситаларини қўллаш, самарали ғўза қатор оралиқларини ишлаб чиқиш орқали тупроқнинг агрономик хусусиятларини яхшилаш, унумдорлигини сақлаш ва ошириш ҳамда юқори, сифатли пахта ҳосили етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон дунё пахтачилигида энг тезпишар ғўза навлари селекцияси бўйича ҳам етакчилик қилиб келмоқда. Ғўзанинг “Наманган-77”, “Ан-Баёвут-2”, “Бухоро-102”, “Омад”, С-4727, “Андижон-35”, “Султон” каби тезпишар навлари республикамизнинг кенг майдонларига экилиб келинмоқда. Шунинг билан биргаликда, тола сифат кўрсаткичларининг юқорилиги, рангининг оппоқлиги, майинлиги, тола узунлиги, пишиқлиги ва микронейри бўйича ҳамда юқори сифатли ип-калава тўқилиши, майин газламалар ишлаб чиқарилиши жиҳатидан ҳам Ўзбекистонда етиштирилаётган ғўза навлари дунё бозорида ўз ўрни ва юқори мавқега эга. Жумладан, ғўзанинг “Бухоро-6” нави тола сифати бўйича Англиянинг Ливерпул биржасида Олтин медалга сазовор бўлган ва дунё пахта толаси сифати учун эталон-андаза сифатида қабул қилинган. Шунингдек, С-6524, “Наманган-77” ва “Ан-Баёвут-2” навларининг тола сифати ҳам энг юқори кўрсаткичларни намоён этиб, хорижлик харидорларни ўзига жалб этиб келмоқда.

Сўнги йилларда республикамиз қишлоқ хўжалигида кластерлар фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида, ерга асосий ишлов бериш ва чигит экиш мавсумидаёқ юртимиз деҳқончилигида янги усуллар жорий этилмоқда. 2022-йилда 136 та туманда 134 та пахта-тўқимачилик кластерлари ва уларга бириктирилган 29 мингта фермер хўжаликларида 1 млн 32 минг гектар майдонда ғўза парваришланди. Жорий йилда ўртача ҳосилдорлик гектарига



34 центнерни ташкил этди ва жами 3 млн 510 минг тонна пахта етиштирилди. Бундан ташқари, териб олинган пахтанинг 90 фоиздан ортиғи юқори сорт ва классларга сотилди. Бу эса пахта етиштирувчи фермер хўжаликларининг иқтисодий ҳолатини яхшиланишига олиб келади. Шунингдек, юқори ҳосилдорлик қайта ишлаш қувватига эга кластерларнинг хомашё манбаининг кўпайишига хизмат қилади.

Маълумки, пахта толаси ва чигитининг сифати ва салмоғи хомашё сифатига, бу кўрсаткич эса ўз навбатида ҳудудларнинг табиий шароитларига, тупроқ унумдорлигига, ерларнинг мелиоратив ҳолатига, фермер даласига жойлаштириладиган ғўза навига, ерларни шудгорлаш ва экишга оби-тобида тайёрлашга, тупроққа қадалаётган чигитнинг навдорлиги ва унувчанлигига, экинни парваришlashдаги агротехник тадбирларни оптимал муддатларда бажарилишига, бегона ўтлар, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашни илмий-амалий жиҳатлардан тўғри ташкил этилишига, ғўза дефолиациясини ўсимликларнинг ҳолати ва иқлим шароитларини тўла ҳисобга олган ҳолда ўтказилишига, етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда нес-нобуд қилмасдан йиғиб-териб олишга, пахта майдонларида экинларни алмашлаб экиш тартиблари ва қоидаларига оғишмай амал қилинишига, пахтачилик фани ва техникаси, илғорлар тажрибасини фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришига жорий этилиш даражасига тўғридан-тўғри боғлиқдир, [1,2,3,4,5,6,7].

Ќўза экинини парваришlashда тупроққа асосий ишлов бериш муаммолари ҳозирги кунда ҳам долзарб ҳисобланади. Бу борада нафақат бизнинг мамлакатимизда, балки чет элда ҳам батафсил ва чуқур илмий изланишлар олиб борилиши натижасида охириги йиллар ҳайдамасдан экишга катта аҳамият берилмоқда. Қишлоқ хўжалигида тупроққа асосий ва қатор орасига ишлов беришда ресурс ва энергия тежамкор, юқори самарадорликка эга бўлган модернизациялашган техника воситаларидан фойдаланиш ҳамда ғўзани мақбул қатор оралиқларида парваришlashга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ќўза навларини эгатлаб суғоришда суғориш тартиби кенг самарали фойдаланиш имконияти яратилмоқда. Бу борада, энергия ва ресурсларни тежаш ҳисобига ёқилғи-мойлаш материаллари,



меҳнат сарфи ва бошқа харажатларни камайтириш, иш унумдорлигини ошириш мақсадида юқори унумли ғилдиракли тракторларда ерни ҳайдаш, тупроқни чигит экишга тайёрлаш, олти ва саккиз қаторли сеялкаларда чигит экиш, қатор орасига ишлов беришни такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Тадқиқот услублари: Илмий изланишларимизни 2020-2022 йиллар давомида Қорақолпоғистон республикасининг ўтлоқи аллювиал, сизот сувлари сатҳи 1,5-2,0 м чуқурликда жойлашган тупроқлари шароитида ғўзанинг “С-4727” ва “Султон” навларини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % тартибда ишлаб чиқариш шароитида суғориш (назорат), эгатлаб суғориш, эгатга плёнка тўшаб суғориш ва қарама-қарши суғориш тадқиқотлари олиб борилди. Илмий тадқиқот изланишлари ЎзПТИТИ да қабул қилинган «Методика полевых опытов с хлопчатником» (1981), “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (2007) қўлланмалари асосида олиб борилди.

Тадқиқот предмети бўлиб, тупроқнинг сув-физик хоссалари, сизот сувлари сатҳи ва минерализациясининг ўзгариши, ғўзани ер устидан эгатлаб суғоришнинг такомиллашган сувтежамкор усуллари, ғўзани суғориш тартиби ва технологиялари, ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва сув истеъмолини аниқлашнинг турли услублари ҳисобланади.

Илмий изланишларимизни 2020-2022 йиллар давомида Қорақолпоғистон республикасининг ўтлоқи аллювиал, сизот сувлари сатҳи 1,5-2,0 м чуқурликда жойлашган тупроқлари шароитида ғўзанинг “С-4727” ва “Султон” навларини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % тартибда ишлаб чиқариш шароитида суғориш (назорат), эгатлаб суғориш, эгатга плёнка тўшаб суғориш ва қарама-қарши суғориш тадқиқотлари олиб боришда агротехник тадбирлар ғўза навларига минерал ўғитларнинг йиллик меъёрлари NPK-200, 140, 100 кг/га бўлиб, фосфорли ва калийли ўғитларнинг 50 ва 70 фоиз миқдори чигит экиш олидидан, қолган фосфор гуллашда, калий шоналашда, азот 2-3 чинбарг ҳосил бўлганда, шоналашда ҳамда гуллашда берилди. Шудгорлаш тиркама ПЯ-3-33 русумли плуглар ёрдамида ҳар йили кузда 30-35 см чуқурликда ўтказилди. Ҳар йили



апрель ойининг бошларида тупроқнинг намлигини сақлаш мақсадида тирмалаш ишлари бажарилди ва мола босилди ҳамда экиш олди ишлари сифатли қилиб ўтказилган тажриба даласига 2020 йил 21-апрелда, 2021 йил 22-апрелда, 2022 йил 23-апрелда чигит қаторлаб 60x10x1 тизимда экилди.

Ўза навларини парваришлаш даврида 5-6 марта қатор ораларига ишлов берилиб, бегона ўтларга қарши 2 марта чопиқ ўтказилди. Амал даврида ўза касаллик ва зараркундаларига қарши курашда кимёвий дорилардан фойдаланилди, ўзани бўйини маромлаштириш ва ён шохларнинг ўсишини таъминлаш, кўп ҳосил тугунчаларига эришиш мақсадида 2 марта қўлда чилпиш тадбири ўтказилди. Етиштирилган пахта ҳосили 2 теримда йиғиштириб олинди.

Ўзани ўсув даврида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % тартибда ўзани эгат эгатлаб ва ўзани эгатининг қарама-қарши томонидан суғорилган вариантларда 2 маротаба, ўзани эгат оралатиб плёнка тушаб суғорилган вариантларда эса 3 маротаба суғорилди.

Хулоса

Юқорида келтириб ўтилган маълумотлар асосида агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширилиб, ўза навларини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 тартибда амалга оширилганда қуйидагича ҳосил олинди ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида олинган натижаларда ўзанинг “С-4727” навлари (назорат) суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 % тартибда суғорилган ишлаб чиқариш шароитида суғорилган вариантимида ўртача уч йилда 28,2 ц/га, шу тартибда фақат эгатга плёнка тушаб суғорилган вариантимида 34,6 ц/га пахта ҳосили олинган бўлса, ўзанинг “Султон” навида юқоридагиларга мос ҳолда 29,3 ва 37,3 центнерга пахта ҳосили олинганлиги кузатилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Пахтачилик маълумотномаси–Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази. Тошкент – 2016 йил, 416 бет.
2. Саломов Шавкат Туробович, Мухаммадов Йўлдошбек Акмал ўғли. «Ўза



- парваришларда тупроққа асосий ва қатор оралиқларига ишлов бериш технологияси». Монография. – Тошкент, «Фан зиёси» нашриёти, 2021.
3. Isaev S., Khasanov S, Ashirov Y., Gafurov A. and Karabaeva T.-Effects of water saving technology application on growth, development, and yield of cotton in Uzbekistan-E3S Web of Conferences 244, 02047 (2021), <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202124402047>.
 4. Isaev, S., Rajabov, T., Goziev, G., Khojasov, A. Effect of fertilizer application on the 'Bukhara-102' variety of cotton yield in salt-affected cotton fields of Uzbekistan-E3S Web of Conferences, 2021, 258, 03015, <https://doi.org/10.1051/e3sconf/2021225803015>.
 5. Isaev S., Mambetnazarov A., Khalmuratova B., Goziev G., Ashirov Y.-Efficiency of appropriate irrigation system of cotton and winter wheat in water scarce conditions of Uzbekistan-IOP Conference Series: Earth and Environmental Science, 2022, 1068(1), 012044, <https://doi.org/10.1088/1755-1315/1068/1/012044>.
 6. Isaev S.X, Ashirov Yu.R., Bazarbaev B.A.-//Correlation of water consumption during irrigation of cotton with the dynamics of flood water levels mathematical model-International journal on Integrated Education, Volume 12, Issue 08, August 2022, 41-47. <https://doi.org/10.5958/2249-7137.2022.00740.6>
 7. Isaev S.X, Ashirov Yu.R., Bazarbaev B.A.-// Correlation between water consumption during cotton irrigation and flood water level dynamics mathematical model-Procedia of Theoretical and Applied Sciences Proceedings of the 1st International Congress on "Science, Technology, Engineering & Mathematics" ISSN: 2795-5621 Available: <http://https://procedia.online/index.php/engineering/article/view/162>